



Миллий Тикланиш

2008 йил 13 ФЕВРАЛЬ
6 (443)-сон Чоршанба

1995 йил 10 июндан
чиқа бошлаган

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

MILLIY TIKLANISH

Мен мамлакатимиз пойтахтининг бош майдонига келганимда юрагим ҳаяжондан ҳапқирди. Шу пайтгача ойнаи жаҳон орқали кўриб келганимиз — бу муқаддас маскан ҳар қандай инсонда ўчмас таассурот уйғотиши муқаррар.

Шундай ватан қайда бор

Авалло, Мустақиллик аркаси бу майдоннинг ўзига хос дарвозаси сифатида намойён бўлади. Арка пештоқиға охишта «кўнган» лойлақлар сеvimли Ватанимиз тупроғида тинчлик-осойишталик барқарор эканлигини ифода қилгандай. Майдон узра ям-яшил тўсдаги арчалар узукка қўйилган кўздай ярашган.

Бахтиёр она монументи бу ерга келган зиёратчиларни самимият билан қарши олаётгандай. Унинг пойига гул қўётган кишиларнинг юз-қўзларида мамнуният, хотиржамлик. Дилимда жўш ураётган туйғуларни таърифлашга сўз тополмайман.

Кандай гўзал, файзиёб Ватанимиз бор. Кўнглимдан ўтган ана шу кечинмалар ҳақида тенгдошларимга, Самарқанд телевидениесида мунтазам олиб бораётган «Барчинолар» муаллифлик курсативим саҳифаларида албатта гапириб бераман.

Шундай ажойиб Ватанимизда ёшларга эътиборнинг тобора ортиб бораётгани танамизга қўч-қўдрат, чексиз шижоат бахш этади. Президентимиз ўтган hafta Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ёшларга йўл очиб бериш, шарт-шароит яратиш зарурлиги ҳақида сўзлашди.

Дарҳақиқат, кўпни кўрган устозларимизнинг айтишларича, ҳеч қачон ёш авлоднинг баркамол улғайиши учун бунчалик имкониятлар яратилмаган экан.

Ҳаётда сабабсиз оқибат бўлмайди. Агар булунги кунда Ўзбекистон ўз фарзандларига шунчалар гамжўрлик қилаётган экан, бу саъй-ҳаракатлар албатта самара беради. Ушанда сеvimли Ватанимиз дунёнинг манаман деган давлатлари сафидан жой олади. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил.

Рухана АМОНОВА,
Жомбой туманидаги 23-умумтаълим ўрта мактаби ўқувчиси.



14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Ўзбек адабиётида Алишер Навоийдан сўнг руҳоб шеърят (лирика) равнақи ва тақомилида Заҳириддин Муҳаммад Бобур алоҳида ўрин тутади. Бобур шеърятининг ўзи қалам сурган ҳар бир турда мислсиз бадий маҳорат намуналарини кўрсатган. Бутун Шарқ шеърити сингари, Бобур назмида ҳам ғазал етакчи мавқе эгаллабди.

ЮКСАК БАДИЙ МАҲОРАТ СОҲИБИ

Ғазалшуносликда ғазалнинг энг етук ва нодир турларидан бири воқеабанд ғазал эканлиги эътироф этилади. Воқеабанд ғазалда лирик мазмун бирор воқеа-ҳодиса билан боғлиқ равишда юзга келади. Бундай ғазал икки хил усулда шаклланади: 1. Ғазал бирор воқеа-ҳодиса муносабати билан, унинг таъсирида ёзилади. Бундай ғазалда ўша воқеа таассуроти яққол сезилиб туради. 2. Ғазал мазмуни муайян воқеа-ҳодиса асосига қўрилади. Яъни асарда бевосита бўлиб ўтган воқеа руҳоб йўсинда тасвирланади. Бундай воқеабанд ғазалларда лирик қаҳрамон кечинмалари билан боғлиқ воқеа-ҳодиса икчам шаклда, руҳоб манзараларда эътиросли ифодаланади.

Бобур воқеабанд ғазални ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кашф этган олим ва ижодкордир. Ўзбек ғазалшунослигида воқеабанд ғазалнинг кенг ёйилишида Бобурнинг алоҳида хизмати бор. Биринчидан, Бобур Алишер Навоий ғазалшунослигида воқеабандликни биринчи бўлиб олимона баҳолади ва бу ҳақда аруз ҳақидаги рисоласида ёзди. Бу — Навоий ғазалиёти, шу билан бирга, воқеабанд ғазал ҳам тадриқ ва тарғиб этилди, деган сўз. Иккинчидан, Бобурнинг ўзи ҳам воқеабанд ғазалларда лирик ҳикоят деб ҳам юритилдики, ушбу атамга Бобур таъбири асос бўлган. «Рисолайи аруз»да Бобур Навоийнинг воқеабанд бир ғазалига: «Боштин оёқ бу ғазалда бир ҳикоят манзум бўлбур», — дея таъриф беради ва асарни ўрناк сифатида тўлиқ келтиради.

Утган кеча мен эрдим у сийман эрди,
Тушан тўрида масканимиз бир чаман эрди.
Улбун узи икки кишига сиккуча манзил,
Булбул ила гулдек икмизга ватан эрди...

Шубҳасиз, бундай бадий мазмун ва қўрилма ғазал яратиш маҳоратини Бобур Навоий мактабидан ўзлаштирган. Аруз ҳақидаги рисоласини яратиш чоғида воқеабанд асарлар Бобур ғазалиёти назарига бор эдики, кези келганда у: «Мир Алишер Навоий ғазали тарзида бу ғазалда доғи боштин-оёқ бир ҳикоят манзум бўлбур», — деб ёзди ва ўз воқеабанд ғазалларидан бирини келтиради.

Туно кун бирла бу тун мажлиси асру хуш эди,
Мажлис аҳди бори дилхуш бори дилкаш эди.
Борини сўзи эди хубу лашфу ранги,
Не паршонув не беманову не чирмаи эди.
Яхши май йўқ эдию наъийи май яхши эди,
Ноҳуш за йўқ эдию асру ҳавоийи хуш эди.
Бор аҳоб эди ҳозир, бори асбоб эди жамъ,
Созу хонанда била нақшу майи беғаш эди.
Гоҳ пурханда эди за бисе сархушлуктин,
Маслаҳийтин яна гоҳ за кўзе тўла ёш эди.
Барча тазым қилб бир-бирини мастона,
Гоҳ бошта оёқ эдию, гоҳ оёқда бош эди.

Утган кеча мен эрдим у сийман эрди, Тушан тўрида масканимиз бир чаман эрди. Улбун узи икки кишига сиккуча манзил, Булбул ила гулдек икмизга ватан эрди... Шубҳасиз, бундай бадий мазмун ва қўрилма ғазал яратиш маҳоратини Бобур Навоий мактабидан ўзлаштирган. Аруз ҳақидаги рисоласини яратиш чоғида воқеабанд асарлар Бобур ғазалиёти назарига бор эдики, кези келганда у: «Мир Алишер Навоий ғазали тарзида бу ғазалда доғи боштин-оёқ бир ҳикоят манзум бўлбур», — деб ёзди ва ўз воқеабанд ғазалларидан бирини келтиради.

Туно кун бирла бу тун мажлиси асру хуш эди, Мажлис аҳди бори дилхуш бори дилкаш эди. Борини сўзи эди хубу лашфу ранги, Не паршонув не беманову не чирмаи эди. Яхши май йўқ эдию наъийи май яхши эди, Ноҳуш за йўқ эдию асру ҳавоийи хуш эди. Бор аҳоб эди ҳозир, бори асбоб эди жамъ, Созу хонанда била нақшу майи беғаш эди. Гоҳ пурханда эди за бисе сархушлуктин, Маслаҳийтин яна гоҳ за кўзе тўла ёш эди. Барча тазым қилб бир-бирини мастона, Гоҳ бошта оёқ эдию, гоҳ оёқда бош эди.

Туно кун бирла бу тун мажлиси асру хуш эди, Мажлис аҳди бори дилхуш бори дилкаш эди. Борини сўзи эди хубу лашфу ранги, Не паршонув не беманову не чирмаи эди. Яхши май йўқ эдию наъийи май яхши эди, Ноҳуш за йўқ эдию асру ҳавоийи хуш эди. Бор аҳоб эди ҳозир, бори асбоб эди жамъ, Созу хонанда била нақшу майи беғаш эди. Гоҳ пурханда эди за бисе сархушлуктин, Маслаҳийтин яна гоҳ за кўзе тўла ёш эди. Барча тазым қилб бир-бирини мастона, Гоҳ бошта оёқ эдию, гоҳ оёқда бош эди.

Туно кун бирла бу тун мажлиси асру хуш эди, Мажлис аҳди бори дилхуш бори дилкаш эди. Борини сўзи эди хубу лашфу ранги, Не паршонув не беманову не чирмаи эди. Яхши май йўқ эдию наъийи май яхши эди, Ноҳуш за йўқ эдию асру ҳавоийи хуш эди. Бор аҳоб эди ҳозир, бори асбоб эди жамъ, Созу хонанда била нақшу майи беғаш эди. Гоҳ пурханда эди за бисе сархушлуктин, Маслаҳийтин яна гоҳ за кўзе тўла ёш эди. Барча тазым қилб бир-бирини мастона, Гоҳ бошта оёқ эдию, гоҳ оёқда бош эди.

ДУО ОЛИШГА КЕЧИККАН ЙИГИТ

Нихоят ўғли келди. Она қарагиси келмай, кўзини юмиб олди. Лекин ўғил ҳеч нарса бўлмагандек, худди ўндан тонгда чиқиб кетиб, шомда қайтиб келётгандек онасининг кўчогига отилди. Она онда! Аразини унутиб, ўғлини бағрига босди. Иссиқ бағрига қирган йигит волидасининг ранги олингани, қўллари қалтираётганини, юрак уриши тезлашганини пайқайди, ичи алланечук увишди.

Хижолат чеккан ўғил она-сидан олдин дардини тўкиб солди: — Ойижон, иморат битай, деб қолди. Усталар кеча-ю кундуз ишлашганди. Айвонимдаги иккита устунни саройларнингкидан нақшикор қилмоқчи эдим, аммо маблаг етмишай турибди. Шунинг аммаллаб қўриб олсам, сизни олиб кетаман. Бир кеча ётиб, ҳаммасини кўзингиз билан кўриб келасиз...

Она индамай эшитди. Кейин кичик ўғил ишдан қайтди. Қўлида иккита иссиқ нон, яна халтачада дори-дармон-лар бор эди. Она уни алқаб, дуо қилди. Ака ичидан зил кетди, бироқ ошқор қилмади. Уйимни битириб олсам, ҳаммасини хурматини жойига қўяман, деб ўйлади. Сўнг укасини билан ҳол-аҳвол сўрашди. — Ука, ўйга бир ўт, ҳали борганим йўқ. Ховли тўйини ҳам маслаҳатини қилиб олардиқ. Кераки одамларни яхшилаб меҳмон қилишим керак. Сенга ҳам бир тўн атаганман. Ҳали шундай акам бор деб фахрланиб юрасан... Она катта ўғли мол-дунёга мураб кўриб келди. — Ха ёт да шундай инсонлар ҳам бор экан. Онанинг қадрига етмаслик, унинг хурматини жойига қўймаслик гуноҳи азим. Мансабга етишим мумкин, бойликни ҳам топса бўлар. Лекин она ўтиб кетганда кейин уни қардан топасиз. Шунинг учун ҳам онаси хабр ҳам бир инсон уни тирикликда авайлаб-арашди фарзандлик бурчи. Бизнинг ушбу воқеадан хулосамиз шу бўлди.

ЎЗМТДП туман кенгашларида РЕЖАЛАР АМАЛГА ОШМОҚДА

Партияимиз сафларида турли соҳа вакиллари бор. Улар билан ҳамфирқ, ҳамнафасимиз. Сафаримизни фидойи, ташаббускор ватандошларимиз ҳисобига кенгайтириб бориш мақсадида Хотинқизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда қўшма дастурлар ишлаб чиқиди. Мазкур дастур асосида ўқув масканлари ва маҳалларда бир қатор тадбирлар, давра суҳбатлари, урчушув ва мулоқотлар уюштирилмоқда. Жумладан, туман халқ таълими бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Талантлиларни излаймиз», «Китоб — билим булоғи», «Қаламқаш» расмлар танлови, «Тадбир-кор ёшлар» каби кўрик-танловлар, қизиқарли баҳомундорларга бой урчушувлар ўтказилмоқда. Кенгашимиз қошидаги «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» фаоллари ҳам аллақачон янги режаларни амалга оширишга киришган. Зиёлилар партиясини етакчилари фахрийлар ва ноигорлар, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олишга ҳам алоҳида эътибор беришни ўз бурчи деб билишди.

А. ҲАММОНОВ,
ЎЗМТДП Булунғур туман кенгаши раиси.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президентимиз 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида рўй берган ўзгариш ва жараёнларни танқидий баҳолаб, жорий йилдаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб берди.

Хозир мамлакатимиз раҳбарининг маърузаси кенг жамоатчилик томонидан атрофликларда урганилмоқда. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Умид Исмоилов, Сарвар Абдуллаев ва ЎЗМТДП Қашқадарў вилоят кенгаши раиси Эгамберди Хўжаев мазкур масала юзасидан куйи-

даги фикрларни билдиришди. Умид ИСМОИЛОВ: — «Кейинги 10 йил давомида ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланди», — дейилди Президентимизнинг маърузасида. Маърузани тинглаб

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари, айрим вилоят кенгаши раислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Йиғилишни парламент қўйи палатаси Спикери ўринбосари, партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмухамедов очиб, иштирокчиларни кун тартибидagi масалалар билан таништирди.

Йиғилишда кун тартибидagi биринчи масала, яъни «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (биринчи ўқини) юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Матлуба Махамедова ахборот берди. Маърузачи мукоамага қўйилаётган қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида тўхталиб, Олий суд томонидан кириштирилган маърузани қабул қилиниши суд амалиётини умумлаштириш учун қўшимча шароитлар яратилишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, бу борада бошқа давлатларнинг амалиёти ўрганилганда Россия, Белорусия, Украина, Молдова ва сингари МДҲ давлатларида бу тоифадаги жиноятлар туман миқёсидаги судларнинг судловиға тегишли эканлиги аниқланганини алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоизки, гийёҳвандлик ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда кўп миқдорда сотишга оид жиноятлар юзасидан тергов ва суд амалиёти ҳам ўрганиб чиқилди. Жиноят ишларининг судловиға тегишлилиги масаласини тақомиллаштириш мақсадида Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг судловидан туман, шаҳар судларининг судловиға ўтказиш мақсадида мувофиқ. Бу эса ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш, туман, шаҳар судларининг фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва суд амалиёти умумлаштириш учун қўшимча шароитлар яратилишига хизмат қилади. Қонун

лоийхаси мукоамага юзасидан тушган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди. Лойиҳа концептуал нуктаи назардан қўйлаб-қувватланди.

Йиғилиш кун тартибидagi иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова 2007 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Жойларда фуқаролардан тушаётган мурожаатлар асосида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида урганишлар олиб борилган-да кўпгина муаммолар юзга чиқмоқда, деди у. Шунингдек, маърузада таъкидланганидек, Омбудсман хизматининг ишонч телефонлари ҳам ишлаб турибди. Уларга қўрилган мурожаатлар сони 1995 йилда 262 тани ташкил қилган бўлса, ўтган йил якунига қўра бу кўрсаткич 7367 тага етган. Бундан ташқари, фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари юзасидан келиб тушган мурожаатлар бўйича Тошкент вилоятининг Бўка ва Поқент туманларида мониторинглар ўтказилган. Барча вилоятларда аҳолига бу борада тушунтиришлар бериш мақсадида семинар-йиғилишлар ўтказилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Абдуғафур Маматов, Олимжон Ҳасанов, Раъно Зарипова, Шарифа Салимовалар кун тартибидagi масалалар юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, фракция йиғилишида партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Гули ОЛИМОВА.

ЎЗМТДП тадбирлари

Мустақиллик даврида одамлар дунёқарашини ўзгарди: ўзи ва юрти ҳақида қайғурадиган бўлишди. Демак, келажак истиқболни учун яшаш имкони яратилди. Навқирон авлод тарбиясига эътибор қўйилди. Бунинг натижасида олиб бораётган эзгу сиёсат ҳам тасдиқлаб турибди. Инчунун, 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинишида ҳам айнан шу мақсадни кўзлаганлигимиз кундай равшан.

МИЛЛАТНИ ТАРБИЯ АСРАЙДИ

Модомики, ёшлар ҳақида фикр юритар эканмиз, миллатимиз тақдирига бефарқ бўлолмаймиз. Унинг равнақи эса кўп жиҳатдан хозирги улғайиб келатган ўғил-қизларимизга боғлиқ. Мамлакатимиз раҳбари «Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қувватидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди», — деб бежиз таъкидламаган. Бинобарин, ҳар биримиз бир ёқадан бош чиқариб, умумманфаат йўлида чин фидойи бўлишимиз керак.

Айни пайтда маънавиятимизга пулур етказадиган урф-одатлар, миллатимизга ёт ҳар хил ғояларнинг кириб келиши уйғоқ қалбини безовта қилмаслигининг ҳам илоҳи йўқ. Шу ўринда маърифатпарвар аллома Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё наҳот, ё халокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир», — деган сўзларини эслаш kifoya.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ҳам бу борада ўз мақсади бор. 1-Республика тиббиёт коллежида талабалар билан урчушув ҳам шу ниятда уюштирилди. Тадбирда партия Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси ходимлари ҳамда коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Урчушув «Миллатни тарбия асрайди ва улғайайди» мавзусига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмухамедов шундай деди:

— Ўз давлатига эга бўлган халқ борки, албатта, ўз миллати келажакини уйлайди. Бинобарин, ёшларимиз ҳақида қайғурмасликнинг илоҳи йўқ. Бунинг учун,

энг аввало, ҳар томонлама баркамол авлодчи воёга етказиш устувор вазифамиздир. Демак, миллатни улғайтиришда восита тарбия эканлигини унутмаслигимиз зарур. Одоб-ахлоқда ўзига хослик оилада шаклланади. Халқимизда: Қўш уясида кўрганни қилади, — деган нақл бекорга айтилмаган. Аждодларимизга муносиб ворис бўлишимиз учун аъналаримиздаги инсонпарварлик, юртпарварлик, хусусиятларини ўзлаштириб олмоғимиз керак. Биздаги ҳаё, андиша, каттага — хурмат, кичикка — иззат кўрсатиш каби хислатларни бошқа миллат вакилларида учратиш кийин. Шундай экан, кийиниш ва сўзлашиш маданиятини тўлиқ эгаллашга ҳаракат қилмоқ лозим. Шу боис маҳалла муҳити, таълим даргоҳларида берилатган тарбия ҳам биз учун ўта муҳимдир. Негаки, хозир ёшларимиз онгига ёт қарашларни синдиришга ва ўзгилмишдан йироқлаштиришга уриниш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бунга ҳар хил журнал, газета, видеотасмаларнинг ноқонуний тарзда тарқатилишига кириб келиши мисол бўлади. Улардаги ғоя менталитетимизга мутлақо тўғри келмайди. Биз ўз йўлимиздан бораскинча пировард мақсадимизга эришимиз. Миллий тикланиш — ривожланиш, юксалиш, тараққиёт демакдир. Шундай экан, маънавий гўзал бўлмай туриб, гўзал жамиятни барпо этиш мумкин эмас!

— Қаранг, — деди анжуманда сўзга чиққан Республика хотин-қизлар қўмитаси «Ахборот-матбуот» маркази директори Ханифа Зокирова, — ёшларимизнинг таълим-тарбия олишлари

— Қаранг, — деди анжуманда сўзга чиққан Республика хотин-қизлар қўмитаси «Ахборот-матбуот» маркази директори Ханифа Зокирова, — ёшларимизнинг таълим-тарбия олишлари

— Қаранг, — деди анжуманда сўзга чиққан Республика хотин-қизлар қўмитаси «Ахборот-матбуот» маркази директори Ханифа Зокирова, — ёшларимизнинг таълим-тарбия олишлари

Давоми 2-бетда

Давоми. Боши 1-бетда

Бошланма байтда "ёр висоли" билан "ишқ дарди" энг яқин, уст-ма-уст жойлаштирилгандир. Учинчи байтда эса ушбу тимсоллар мисранинг аввали ва охиридан ўрин олган. Байтларнинг шаклий-мантқиқий қиёси, аввало, ишқ дарди билан "васли ёр" тимсоллари мутаносиб эканлигини кўрсатади. Қолаверса, тимсоллар масофасининг торайиб, кенгайиши шунчаки шаклбозлик эмас. Тимсолларнинг янги тартиби лисоний, руҳий, мантқиқий асосларга таянган. Жумлани бошқача тузиш қўтилган бадийий ҳосилани бермайди. Айтилик, тимсоллар терс жойлаштирилсин: "Топарга васли ёр ҳар кимки чекса ишқ дардини". Ҳуд тимсоллар ёнма-ён ўрин олсин: "Чекиб ҳар кимки ишқ дардини васли ёр топса". Ҳар икки ҳолатда ҳам лисоний, руҳий, мантқиқий асосларга пугур етади. Жумланинг бобураона тузилиши қонуний. Чунки сабаб ва оқибат қонунияти тимсолларнинг олдинмакетин келишини тақозо этади. Ишқ дардини чекиш билан ёр васлига муяссар бўлиш мобайнида бепеён ҳижрон водийси ястанди ётибдики, бу руҳий масофа тимсоллар мисранинг икки қанотида қойим-мақом туришини муқаррар этган. Демак, шаклан "ишқ дарди"нинг мувофиқи "васли ёр" бўлса, маънан, ишқ дардининг маълуми ёр васли экан. Алқисса, байтдан чиқадиган ҳар ҳикмат шукки, ишқ дардини чекиш ҳар қанча уқубатли бўлмасин, охир-оқибатда ошиққа ёр дийдорин насиб этаркан, айриликнинг асрий азоби ўша лаҳзадаёқ унутлади.

Дўстларнинг суҳбатиде не хуш ўлгай баҳси шеър, То билинғай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.

Яна тимсоллар тизими эътиборни тартади. Бу гал тимсолларнинг ўрин алмаштириш жараёнида тарди акс – терс тақвор усули қўлланган. Ёрни аввал "дўстларнинг суҳбати" мисра охирида, "шеър баҳси" мисра бошида турган бўлса, энди улар тескари тартибда жойлашган. Демак, ўзаро мувофиқ тимсолларнинг учинчи жуфти ҳам мазмунга мувофиқ қарор топган. Дўстларнинг суҳбатиде энг марокли машғулот – шеър баҳси. Бу шох ва шоир Бобурнинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан умумлашма хулоса. Байтнинг иккинчи мисрасида шеър баҳси жараёнларида Бобур инсоншунос сифатида ҳосил қилган яна бир хулоса мужассам.


Шеър баҳси, мушоира-ю баҳри байт машқлари шуниси билан гўзалки, ҳар бир давра аҳлининг руҳий ҳолати, кайфияти, дунёқарashi, диди, савияси, таъби назми, ҳофизаси яққол намоён бўлади.

Шундай қилиб, матлада кўйилган уч нарсанинг уч нараса мувофиқлиги кейинги уч байтда тўлиғича бадий шарҳланди. Бу шарҳлар нимага хизмат қилади? Матла моҳиятини майдалаб тушунтиришми? Йўқ, бадий мисранинг вазифаси бу эмас. Оралиқ байтлар кат-

этаркан. Воқеабанд газалнинг аҳамияти шундаки, шоир ҳаётий ҳодисалардан олган таассуротларни, шахсий кечинмаларини бадий ифодалар билан йўғириб, мағзи тўқ хулосалар изхори орқали умуминсоний қадриятга айлантирган.

Мантқиқий изчиллик, тимсоллар тизимининг пишиқлиги, фикрий тугаллик Бобурнинг воқеабанд бўлмаган бошқа турдаги газаллари бадий гўзаллигига ҳос хусусият. Бобур газаллари пухта ишланган занжирга, мустаҳкам ва мунаққаш қурил-

мон шу ишқ билан ўрланади. **Сен, эй гул, кўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз, Абғинга тушиб барги хазондек мунча ёлбордим.** Ошиқнинг барги хазондек ёлбориши кузнинг салқин еллари елдирётган қовжироқ япроқларга нақадар монанд. Ошиқ мана шу япроқлардек жонсарак елиб-югурса ҳам, маъшуқа саркашлигини кўймайди. Воқеабанд, шоир нима учун унинг саркашлигини сарвага қиёслайди, нега маҳбуба сарвдек саркашлик



ЮКСАК БАДИИЙ МАҲОРАТ СОҲИБИ

тароқ ҳаётий-адабий умумлашма изхори ва иқрорига замин ҳозирлайди. Мақта — тугалланма байт ана шундай узил-кесил, тугал хулоса янглиг майдонга келади.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила, Мундин ортиқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

Дарвоқе, бу уч ишни уч вақтга мувофиқ келтириш чоғир ичмаклик билан ёз фаслида лаззатланиш, ишқ дардига ёр васлидан шифо топиш, дўстларнинг даврасида шеър баҳсидан баҳраманд бўлиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлмайдиган саодат. Аммо судманду саодатманд бирор зот ул уч нарсани бу уч нарасага мувофиқ тополса, жаҳоннинг ишратига эришган бўлар экан.

Энди оралиқ байтларни бир лаҳза назардан соқит қилиб, матла билан мақта муносабатларига эътибор беринг. Шу ҳолатда ҳам байтлар орасида чамбарчас мантқиқий жипислик, муаммо ва унинг ечими, тугал ва яхлит бадий мазмун мужассам. Аммо бу ҳолатда қўшбайт фақат умумлашма бадий фикр-дағинга иборат бўлиб қоларди, газалнинг эмас, балки тўртлик, рубоий ёки қиъганинг масаллигини ташкил этарди. Демак, газал бадийи (поэтикаси), жанр қонунияти матлада адабий муаммо изхори, оралиқ байтларда унинг бадий таҳлили, мақтада чиройли яқун, умумлашма хулоса ўрин олишини тақозо

ган меъморий обидалар иморатига ўхшайди. Бу обидаларни махсус мутлола чоғидагина зйерат этмайсиз. Яъни уларни кўрганда эсламайсиз, балки табиат манзаралари, ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари Бобур газалларини тез-тез ёдлаб туришига ундайди. Мана, тийрамоҳ — хазон фасли. Сиз хазонрехта хиёбонлардан Бобур газалини хотирламай ўтолмайсиз.

Хазон япроғи янглиг гул юзинг ҳажрида саргардим, Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳрайи зардим...

Ёниқ дард билан куйманаётган хазон япроқлари тийра кўнглингизга шуур шуъласини солади. Кўнгли каъбаси ёришади. Хазон фасли билан Бобур газалининг маҳзун кайфияти руҳингизда ажиб ўйгунлик уйғотади. Лирик қаҳрамон билан руҳий ваҳдат ҳосил қиласиз. Музтариб ошиқ гулюз игорининг ҳажрида хазон япроғи янглиг сарғайиб сўлмиш. У "ўлмаган жондан умид" қабиллада нажот тилайди. Ишқ қисматидаги чигаллик чеҳраларга номувофиқлик нурини солган: маҳбуб юзи хаёт гулуриб турган кизил қондек лоларанг — ҳабиб чеҳраси ўлим соя солгани сингари заъфарон. Уларнинг бири гул, иккинчиси гулбарг. Асл ўзани, сармосяи бир. Илк яратилшда гул билан гулбаргининг вужуди ваҳдатда бўлган. Улар яна ваҳдати вужуд ҳосил қилишлари керак. Лирик ҳақра-

қилади? Негаки, Тангри таоло азал-азалдан сарвени овоз яратмиш. У — ёлғиз, мағрур ва саркаш. Мазкур газални соф дунёвий руҳда талқин этиш душвор. Ундаги бадий манзара ва тимсоллар чукр рамзий моҳиятга эга. Лекин "Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур, Бу оламда ўзумни чун ямон, яхшидин ўтқардим" сатрлари Бобурнинг оғир ҳаётий кечмиши асоратидан дарак беради. Бобур шеърятини шоир руҳининг вужуди деб оладиган бўлса, ямону яхшидан кўрган жаҳрлари, чеккан азоб-уқубатлари ҳақидаги байтлар жароҳатдек қондалаш бўлиб туради:

Ҳар ёнғаки азм этсам, ёнимда борур меҳнат, Ҳар сориким юзлансам, ўтрумга келур қайгу. Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату гам кўрган, Осойиши кам кўрган мендек яна бир борму?!

Ҳақиқатан, эзулик излаганидан ёвузлик кўрган, хайрихолик кутганидан бадхолик қайтган кўнгли муайян даражада вақтинча бадгумонликка берилиши, яхшидан ҳам, ёмондан ҳам умидсизланиб қолиши табиий. Лекин ёмонлик қилган кишига ҳам яхшилик билан жавоб қайтариш, яхшилик қилмаган тақдирда, лоақал, ёмонлик ҳам қилмаслик миллий исломий мафкурамининг умуминсоний, умрбоқий ҳикматларидандир. Муслмонларнинг энг яхшиси элга ҳам-

ша яхшилик қилувчилар эканлиги Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ҳуб айтилган. Бобур ҳам қомил инсон орузида шу фазилатни улуғлайди ва яхшиликни катта умидворлик билан тарғиб этади.

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ, Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Ҳазалнинг ибтидоси бўлганидек, интихоси ҳам бўлади. Мазмун ва шакл бутунлиги, газал иморатининг Бобур кўзда тутган бадий қурилмаси тугалланма байтнинг ҳам тақозо этади.

Яхшилик аҳли жаҳонда истама Бобур киби, Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилик. Яхшиликнинг безавол ва умрибоқий хислат эканлиги ҳақидаги сабоқдан сўнг бу байтнинг шундай тушуниш мумкинки, "эй кўнгул, сен яхши бўл ва ҳаммаша яхшилик қил, аммо бу яхшилигингга жавоб таъма этма, бунга Тангрининг ўз муқофот-ваъдаси бор, ҳаргиз Бобур каби аҳли жаҳондан яхшилик қидириб сарсон-саргардон бўлма. Зеро, дунё ва дунё аҳлидан ким яхшилик қирибдики, сен кўрсанг". Матладаги биринчи мисранинг мақтаннинг иккинчи мисрасида айнан тақдорлангани мумтоз бадийят илмидаги радд ул-матла (матланнинг қайтарилиши) бўлиб, бу усул газалнинг шаклий-мантқиқий бутунлигини таъминловчи муҳим омилдир. Бобур асарни қандай кайфият ва сўзлар билан бошлаган бўлса, охиригача шу руҳий мувозанатда сақлади. Муҳлисни газал мулкига қайси макондан олиб парвоз этган бўлса, шу манзилга оҳиста кўндирди. Бобур газалиётининг мафтунок, кўнглини шавққа тўлдирувчи, руҳни кўтарувчи, ақлга қувват берувчи сеҳри мана шунларда.

Нусратулло ЖУМАҲУҶА, филология фанлари доктори.

Жаҳон ҳафта ичида

Газ масаласи яна кун тартибиде

Шу йилнинг 7 февраль куни Россиянинг "Газпром" концерни Украинадан умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард долларлик қарзни зудлик билан тўламаси, газ етказиб бериш тўхтатилишини маълум қилганди.

Шундан буён томонлар ўртасида ўтказилаётган музокаралар ҳамон натижасиз тугамоқда. Манбада айтилишича, Украина бош вазири Юлия Тимошенконинг бу борадаги турли баёнотлари вазиятнинг ўнгирилишига эмас, янада чигаллаштиришга хизмат қилмоқда. Мазкур масалани ҳал этиш мақсадида сешанба куни мамлакат президенти Виктор Ющенко Москвага келди. У Владимир Путин билан яқкама-яқка музокаралар ўтказди. Халқаро кузатувчилар бу учрашувнинг ҳам бирор натижа беришига ишонилмайпти.

Кучли портлаш

Ироқнинг Балад шаҳрида кучли портлаш рўй берди. Бир камикадзе портловчи мосламани ишга солиши оқибатида 33 киши ҳаётдан кўз юмди.



рига кўра, камикадзе ўзи бошқараётган юк машинасида катта микродора портловчи қурилмаларни олиб кетаётган бўлган.

Эътиборли жиҳати, портлаш мамлакатга АҚШ мудофаа вазири Роберт Гейтс ташриф буюрган чоғи амалга оширилган.

Қадимий ёдгорликка ўт тушди

Жанубий Кореянинг миллий бойлиги — қадимий тананалар дарвозасига ўт тушди. «Тилсиз ёв» бир зумда мазкур тарихий обиданинг кулини кўкка совурди, дея хабар беради «Интерфакс».

Ўт ўчирувчиларнинг сўзларига қараганда, дарвозанинг юқори қисми дарахтдан ясалган бўлгани учун у тезда ёниб қулга айланган. Ҳозирча "Тилсиз ёв"нинг чиқиши сабаби текширилмоқда. "Буюк гарб дарвозаси" номини олган мазкур тарихий ёдгорлик 1448 йилда бунёд этилганди.

Суиқасд сабаблари номаълум

Дам олиш куни Шарқий Тимор давлати президенти Жозе Рамуш-Ортага суиқасд уюштирилди.



Бир гуруҳ аскарлар мамлакат раҳбари хонадонига ҳужум қилиб, уни ўққа тутган, дея хабар беради ИТАР-ТАСС. Отишмалар чоғида президент қорнидан яранланган. Шундан сўнг давлат раҳбари Шарқий Тимор Демократик Республикаси ҳудудида Австралия ҳарбий госпиталига ётқизилди. Бу ерда уни операция қилишди.

Жосуслар қиммат қилган?

АҚШда тўрт нафар шахс Хитойга жосуслик қилганлиқда гумон қилиниб ҳибсга олинди. Бу ҳақда «France Presse» ахборот агентлиги мамлакат адлия вазирлиги берган маълумотга таяниб хабар тарқатди.

Асли келиб чиқиши хитойлик, лекин Америка фуқароси бўлган шахслар мамлакат мудофаасига тааллуқли ҳужжатларни Хитойга беришган. Улардан яна бири эса «Боинг» концерни собиқ менежери мафҳий технологияларга тегишли ахборотларни ноқонуний эгаллаш ва уларни Хитойга сотишда айбланапти. Ҳозирча ушбу воқеаларга расмий Пекин муносабат билдирганича йўқ.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЖАҲОН ИЧРА

буюк мутафаккир шоир иҳоди француз тадқиқотчилари нигоҳида

"Мерожнома", "Тазкиратул-авлиё" ва "Бахтиёрнома" китобларидан олинган бобларни ўз ичига олади. Ундаги Алишер Навоий ҳаётига доир мақола, шунингдек, китобдаги грамматик, фалсафий ва бошқа изохларни Э. Катремер ёзган.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Алишер Навоий ижодини кенг қамровда тадқиқ қилиш, унинг асарларини таржима ва таҳлил этиш француз шарқшунослигига янгича услубга эга бўлди. Бу йилларда француз шарқшуноси Франсуа-Альффонс Белен (1817-1877) ҳазрат Навоий ижодини чуқур ўрганиб, йирик тадқиқотлар яратди.

Франсуа Белен ўзининг Мисрға қилган саёхати пайтида Навоий "Куллиёт"ни кўлга киритади. Мазкур "Куллиёт" 1649 йил (ҳижрий 1059)да Махшадда кўчирилган бўлиб, Беленнинг таъкидлашича, у Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган ва 1526 йил (ҳижрий 930-933) Хиротда кўчирилган нусха каби мукамал бўлмаган. Белен Навоийнинг бу икки "Куллиёт", Хондамир, Шарафиддин Али Язданий, Давлатшох Самарқандий ва Сом Мирзоларнинг Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган асарлари, шунингдек, С. де Саси, Э. Катремер, Ш. Шефер, Б. Де Мейнар каби француз шарқшуносларининг Шарқ халқлари тарихи, маданияти ва адабиётига бағишланган илмий тадқиқотларига таяниб, адиб ижодини ўрганиш ва тадқиқ қилишга киришади.

1861 йили "Осийе журнали"нинг февраль-март ва апрель-май саналарида жондор Беленнинг "Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар" ("Notice biographique et litteraires sur Mir Alisher Nevai") номли биринчи тад-

қиқоти босилиб чиқади. Мазкур тадқиқот икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида атрофлича фикр юритилган. Иккинчи қисмида эса, мунаққид Навоий "Куллиёт"идаги "Мажолусун-нафоис" ва "Хамсатул-мутахаййирин" асарларидан парчалар келтириб, уларни француз тилига таржима қилади ва изохлар ёзади. Масалан, журналнинг 300-357 саҳифаларидан ўрин олган "Хамсатул-мутахаййирин"нинг французча таржимасига 150 дан ортиқ изох ёзилган. Муаллифининг таъкидлашича, у таржима-ини асарнинг Миллий кутубхонада сақланаётган қўлёзмамасидан француз тилига ўйрган.

1968 йилда "Осийе журнали"нинг XVII-XVIII жилдида Беленнинг "Шарқ донолари" туркумида ёзилган "Мир Алишер Навоийнинг фазилатлари, эстетик ва фалсафий қарашлари" ("Caracteres, maximes et pensees de Mir-Ali-Chir Nevai") номли иккинчи тадқиқоти эълон қилинади. Тадқиқотнинг дастлабки саккиз саҳифаси "Маҳбуб ул-қулб" асарининг таҳлиliga бағишланган. Қолган эллик саҳифа мазкур китобнинг французча таржимаси ва унга ёзилган изохлардан иборат. Белен асарни тўлиқ таржима қилмаган, балки ўзига маъқул бобларини француз тилига ўйрган. Масалан, асарнинг биринчи қисмидаги кишиларнинг феъл-атвори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақидаги фалсафани санаб ўтarkan, мутаржим улардан факат "қозилар тўғрисида"ги бобни таржима қилади. Асарнинг иккинчи ва учинчи қисмларидан ҳам танлаб таржима этган. Мазкур таржималарнинг асосий фазилати уларга ёзилган 90

дан ортиқ изохда кўринади. Француз олими ўзининг юқоридаги тадқиқотларида Алишер Навоийнинг ўз замонасида тутган мавқеани, унинг шоирлик маҳоратини тўғри баҳолаб, "Навоий туркий тилдан фойдаланиб, унинг бойлигини фавқулдда кенг қўламда намойиш этиш билан чинаямига ватанпарварлик намунасини кўрсатди", — дея ёзади.

Ҳазрат Навоий меросини ўрганиш утган XX асрда ҳам француз шарқшуносларининг диққат-эътиборида бўлди. Масалан, 1900 йилда нашр этилган Ш. Шефернинг "Араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзмалар мажмуаси каталоги"да Алишер Навоий қаламига мансуб асарларнинг 16 та қўлёзма нусхаси келтириб ўтилган. Э. Блошенинг "Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги" ("Les eclaircissements de manuscrit orientaux de la Bibliothethe Nationale", Paris, 1926)да эса адиб асарларининг 35 та қўлёзма нусхаси тавсиф этилган.

Француз адабиётшунослигиде Алишер Навоий ижодига ҳаққоний баҳони мажмуур адиб Луи Арагон бериб ўтди. У ўзининг 1955 йили нашр қилинган монографиясида собиқ иттифоқ халқлари адабиёти хусусида фикр юритаркан, ҳар бир ёзувчи фаолиятини ўз халқи тарихи ва маданияти билан бевосита талқин қилишга уринади. Таниқли француз адабиётшуноси Жан Фревилль сўзи билан айтганда, Арагон "бу китоби билан французларга ҳали маълум бўлмаган бир қатор миллат ва элатлар маданиятига эшик очиб берган эди". Масалан, китобнинг 95-97 бетларидан ўрин олган "Навоий" номли боб куйидаги сатрлар билан бошланади: "Ўзбекистон

ни французча таржимада келтириб ҳам ўтади: **Деёлмасманки Хисрав ёки Низомий, Ва ё назм аҳлининг сархайли Жомий...** **Moi je ne suis ni Khosrov, ni Nizami le sage, Ni le cheikh des poetes d'aujourd'hui, Djami...** Луи Арагон Навоий ҳазрининг давлат арбоби, маданият хомийси сифатидаги муҳим тарихий хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаган. Масалан, унинг ва зирлик лавозимда эл-юрт фаровонлиги, халқ оқоилиятига йўлдириш фаолиятига қуйидагича таъриф беради: "Навоий ва зир лавозимида халқпарвар фуқаронинг истаги ва талабининг қондиришга интиланган шахс эди. Турғи, уни том маънодаги демократ шахс бўлган дея олмасак-да, бирок у замонасининг прогрессив кишиси бўлган ва илми, шеърятини, санъатни жуда қадрлаган. Шу хислатлари билан у Ренессанс эътилолирига жуда яқин турган эди". Дарҳақиқат, Ренессанс даври Фарб эиёлилари ва адабиёт дарғалари ҳам ўз дунёқараш билан демократик идеалларга яқин бўлган, улар ижодиде замонасининг энг илгор аюларни тараннум этилган. Академик В. М. Жирмунский таърифлаганидек, айниқса, Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони шоир дунёқарашининг асосий интилишлари бўйича Ренессансга яқинлигини ўзида тўлароқ акс эттиради. Унда Навоий Ренессанс давридаги одамнинг гуманистик идеалларини гавдалантирган эди".

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистоннинг Франция билан алоқалари барча жаҳаларда кенг ривожлангани каби, адабиёт ва санъат соҳасида ҳам янги погоналарга

кўтарилди. Франциялик олимлар ва ноширлар йирик қомусларда Алишер Навоий мероси талқинига кенг ўрин бермоқдалар. Шу ўринда, франциялик таниқли тилшунос олим, ҳозирда Тошкентдаги Марказий Осийе ўрганиш француз институтининг директори доктор Реми Дор жанобларининг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимдир. Доктор Реми Дор нафақат Францияда, балки Фарб ва Шарқ мамлакатларида ҳам Луи Базен, Жан-Поль Ру, Бакве-Грамон қаторида танилган, туркий тиллар бўйича йирик тадқиқотлар яратган олимдир. Унинг Ватанимизда яшаб, ўзбек тили ва маданияти тарихига бағишланган қатор тадқиқотлар яратётгани бизни қувонтиради. Бевосита олим раҳбарлигида "Французча-ўзбекча" ва "Ўзбекча-французча" лугатлар нашр қилинди. У ҳазрат Навоий меросини, жумладан, шоирнинг "Муфрадог" рисоласини чуқур таҳлил қилиб, муаммо жарининг ечимига бағишланган "Алишер Навоий муаммолари" номли тадқиқотини нашр эттирди. Олимнинг бу монографияси француз шарқшунослик илмининг охириги ютуқларидан биридир.

Шундай қилиб, француз шарқшунослиги ва адабиётшунослиги ҳазрат Навоий меъросини ўрганиш соҳасида ўз тарихий ва илмий аъналарига эга бўлган йирик мактаб ҳисобланади десак, муволаға бўлмайди. Бу мактаб тарихи ва яратган тадқиқотларини атрофлича ўрганиб, талқин қилмоқ йирик монография мазмуни талаб этади.

Мухаммадхон ХОЛБЕКОВ, филология фанлари доктори.

Қишнинг бир тутам куни тугаб, кеч тушди. Одам бирор иш қилиб эмас, ҳавонинг совуқлигидан чарчаб кетади. Одатдагидек, қизлар билан суҳбатдан кейин, уйкуга кетдик.

ОЧИҚ ҚОЛГАН ЭШИК

ёхуд безовталиқ ортидаги ҳаловат

Эшикнинг қаттиқ тақиллашидан уйғониб кетдим. Соатга қарадим — тунги бир. Табиийки, уйкум бузилганидан норизо бўлдим. Эшикнинг кўнги-роғини чалса ҳам бўларди-ку, шу пайтда одам уйда жимгина ухласа бўлмайди каби ўйлар билан эшикни очдим. Юқори қаватга яқинда кўчиб келган келиннинг тавишиш кўйфасига кўзим тушган, уйкум очилгандек бўлди.

У саломимга алик олган, шоша-пиша сўради:

— Ойини кундузи кўрганмидингиз?

Аваллига туйқус берилган саволдан ҳайрон бўлдим. Келинчакнинг изоҳидан кейин вазиятни тушундим. Гап бизнинг ён томонимиздаги кўшимиз, кекса онахон ҳақида бораётган экан. Ойининг ташқи эшиги қия очик турар, ички эшикнинг ҳам очиклиги кўриниб турарди. Турмуш ўртоғи билан борган жойларидан кечроқ қайтаётган келинчак ҳайрон бўлган. Кейин эшик кўнги-роғини чалишган, тақиллатишган. Ичкаридан ҳеч қандай овоз бўлмагач, юқори қаватдаги кўшимни чақиришибди. Кўшни ярим кечада безовта қилганларидан норози бўлиб эшигини очмаган.

Келинчак бу гапларни тез-тез, аммо батафсил гапириб берди. Ёнимдаги қизларнинг ойини кундузи кўрганларини, соппа-соғ эканлигини айтганимдан кейин, уйга киришга қарор қилди. Эшикни очиб, уйга энди кадам қўйган ҳам эдик... ойи ичкаридан тинчликми ўзи, дея чиқиб келди. Бир зумда хавотиримиз таркади. У кишининг айтишича, набираларини кузатган, эшикни

ёпиш эсидан чиқиб ухлаб қолган экан. Онахон билан хайрлашиб чиқарканмиз, бизларни дуо қилиб қолдилар. Келинчак турмуш ўртоғи билан юқори қаватга кўтариларкан, безовта қилганлари учун қайта-қайта уэр сўради.

«Безовта қилганимиз учун уэр». Анча пайтгача уқолмай уйланиб ётдим, кулгомдан келинчакнинг шу гаплари кетмасди. Нега мендан уэр сўради? У ўзи учун мени уйғотгани йўқ-ку! Ахир, кўшнлар ҳолидан хабардор бўлишга фақат бир оила масъул эмас-ку! Бу аслида инсонийлик бурчимиз. Эшигимиз тақиллаганида малол келганини эслаб, қақиривга рад жавобини берган кўшнидан оғринишга уялдим. Ўзимдан оғриндим. Чунки мен ойининг ён кўшнисиман, мен ҳам ишдан кеч қайтандим. Лекин ойининг эшигига эътибор бермабман ҳам. Майли, ҳозир-ку воқеа яхшилик билан тугади. Бироқ...

Жиноятларнинг содир бўлишида айнан оддий эътиборсизлик, лоқайдликнинг асосий омил эканлигини яхши биламиз. Шундай бўлган, ҳаммамиз ҳам бир-биримизнинг, атрофимиздаги инсонларнинг тинчлиги, манфаатлари учун ҳаммиза безовта бўлиб яшасак қанийди, дея ўйладим. Шунда очик қолган эшиклардан ҳам ҳеч бир ёмонлик остона ҳатлолмайди.

Бизни яхшиликлар, эзгу ниятлар учун безовта қилсалар, оғринмайлик, малол келмасин. Савоб йўлидаги бундай безовталиқ кўнглимизга ҳаловат, ёруғлик олиб киради.

Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи.

Тафаккур гулшани

ЁНИБ ТУРГАЙ ТОКИ УМР ЧИРОҒИ...

Одамнинг нима қилаётганига қараб, унинг қимлигини айтиб бера бўлади.

Г. ГЕГЕЛЬ.

Иккиланган кўнги йўқотиш демакдир.

О. БАЛЬЗАК.

Қатъият пещона шўрини ювади.

Г. ФЛОБЕР.

Арзиманган ғам-ғуссалар дарров тилга чиқади, чуқур қайғу эса унсиздир.

СЕНЕКА.

Энг бедаво қайғу уни ҳалоб ўйлайверишидир.

М. ЭБНЕР-ЭШЕНБЕР.

Фаросатсиз одамнинг омади юришса ҳам ақсиз бўлгани учун унинг тўқлиги сурбетликка айланади.

ФЕОГНИД.

Ҳаёт уни ўрганадиган кишиларгагина ўргатади.

В. КЛОЧЕВСКИЙ.

Ассосиз иш, нимага қаратилганидан қатъий назар, доимо инқироз билан тугайди.

И. ГЕТЕ.

Бир қадар азият қўшилмаган соф бахт бўлмайди.

В. ШЕКСПИР.

Иш фикр учун эмас, фикр иш учун яралган.

Ф. ВОЛЬТЕР.

Ҳамма одамлар ҳам буюк иш қилишлари шарт эмас. Кўпгина оддий сабр-қаноатнинг ўзи ҳам куч-қудратнинг буюк рамзига айланиши мумкин.

Г. БУШНЕЛЛ.

Умид ҳеч қачон одам тўймайдиган бойликдир.


Л. ВОВЕНАРГ.

Ўйлаган ишинг яхшиликка олиб келмаса, барча эзгу орзуларинг беҳудалар.

Ж. ЖУБЕР.

Сабр аччиғу лекин меваси ширин.

Ж. РУССО.



НАЗДИМДА ЭЛ КЎКСИ ТОҚҚА ЎХШАГАН

Паркентлик шоир Шухрат ТОҲИР ўзига хос ижодкор. Унинг шеърларида Ватан туйғуси айрича жиловланади. Ҳозирги кунда у «Паркент тонги» газетасида меҳнат қилаётир. Қуйида шоирнинг ижодидан намуналар ўқийсиз.



БҲ МИЛЛАТ ШИНОАЙИНИ ЮКСАКЛИККА ХОС

Наздимда эл кўкси тоққа ўхшаган,
Туйғулари — оҳу, гурури — арслон.
Унинг юксаклиги қадр сингари,
Харсанглр сингари тоқати ларзон.

Ега бўй таратган гуллар — номуси,
Бунда йўқ уларни юлғувчи қўллар.
Тоғнинг қоясига элтади фақат
Эзгу мақсад сари бошланган йўллар.

Бу миллат шундайни юксакликка хос —
Мехриблар ҳам бағрида улар.
Хоржлардан йиғлаб келган булутлар
Тоғ бағрига бошин қўйиб овулар.

Унинг табиати меҳрайд кўркам,
Ҳар қайси тошдишли парча-парчалар.
Оқибат олағи бир бутун тушушча —
Турт фасла ўзгармас яшил арчалар.

Қадимдан эл кўкси тоққа ўхшаган...

ВАФО КЎРСИН

Дилда тутган юртнинг ғами,
Асл ўғлон-қизлар қани?
Қишда қолган кўмири каби
Ватан биздан вафо кўрсин.

Кимлар кетар, кимлар қайтар,
Юртсиз адо, жимлар қайтар.
Бобом айтар, момом айтар:
Ватан биздан вафо кўрсин.

Баҳору ёз, кузни қучиб,
Қушлар кетса кетсин учиб.
Навқирон ёш авлод учун
Ватан биздан вафо кўрсин.

Шеър қўшиқ, наво биздан,
Беғубор қалб, сафо биздан.
Вафо биздан, даво биздан,
Азиз Ватан вафо кўрсин.

БЎЛМАС

Ҳикмати кўп гадоларнинг ҳаётида —
Тома-тома томган сувга ҳовуч тўлма.
Номард қирчи тоғ деб билар хаёлида —
Зоғ тилло пат таққан билан тоеву бўлма.

Тунни тонга улаб ярим дармонидан,
Шоир гўзал бог яратар армонидан,
Подон нолиб ўтар тўкин давронидан,
Ит кечгани билан анҳор ҳовузу бўлма.

Кўйи-қўшиқ, қўшиғи-қўй булбул — замон,
Асли, инсоният умри — бир гул, замон.
«Чўли Ироқ»ларни истар қўнғил, замон,
Ҳар хиргойи қилган киши ҳўфиз бўлма.

Кўй юракка етолмайди тордан бўлак,
Ибосизлар ўтар толе, ёрдан бўлак.
Кўнғил асло кун кўрмасин ордан бўлак,
Тиниш пинҳон тутган кимхоб номус бўлма.



Имом ал-Бухорийга бағишланган қасида

Ўзбекистондаги Миср Араб Республикаси элчихонаси кузурдаги Миср маданият маркази ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорлигида «Ўзбекистон ва Миср дўстлиги» кечаси бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик ва мисрлик санъат намояндлари икки давлат ўртасида ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётган бугунги кунда санъат ва маданиятнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлашди.



Тадбирнинг фахрли меҳмонларидан бири мисрлик шоир Жамол Бихит ўзининг ватандошимиз Имом-ал Бухорийга бағишлаб ёзилган «Саҳиҳ ул-Бухорий» номли қасидасини йиғилганлар эътиборига ҳавола этди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Давлат консерваторияси жамоаси томонидан мазкур қасида кўйга солиниб, академик хонандлик факультети 4-босқич талабаси Улуғбек Очилов уни араб тилида кўйлагани учрашувга янада фойз қўшди. Кеча давомида консерваториянинг устоз ва талабаларидан иборат гуруҳнинг мумтоз кўй ва қўшиқлари янграб, йиғилганларни хушнуд этди.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

МИНОРАИ КАЛОН ТАРИХИ

Бухоро шаҳридаги Минораи калон машҳур меъморий ёдгорлиқ ўрта асрларнинг ажойиб намунаси. Мана, 800 йилдан ошибдики, бу обида меъморчиликнинг беқиёс маҳсули сифатида авлодларни ҳайратга солиб келмоқда. Бироқ у ҳақида тарихий маълумотлар жуда оз.

Х асрда яшаган тарихчи Абуабкар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобига 1128 йилда қиртилган қўшиқда айтилишича, Арслонхон номли ҳукмдор Бухоро арки яқинида минора ва масжид қурдирган. Минора нафисликда ва гўзалликда беқиёс эди, деб ёзади муаллиф. Лекин ёдгорлик ёнғин

натijasида қулаб тушди. Арслонхон худди шу жойга иш о о т куришни буюради. Энди минорани аввалги ҳолида яна ҳам пишиқроқ қуришга интилади. Ниҳоят, ҳозирги кунда дунёга машҳур бўлган

Минораи калон қуриб битка-зилади. Ана шу ёдгорлик ижодкори У с т о д Бақо меъмор эди. Аммо уста минорани ярата туриб, унга ўз номини сирли ёзувлар билан битганлигини кўплар билмаса керак.

Тарихий обидалар

Маълумки, иншоот бир неча нахшдор халқларга бўлинган. Улар орасини турли геометрик шаклдаги безаклар тўлдириб туради. Унинг ўрта қисмидаги бир халқда кўфий ёзувида битилган ёдгорлик тарихига оид сўзлар ҳам бор. Матнда бино санасини курсатувчи энг охириги арабча «хамс мона» (беш юз) сўзи яхши ўқилади. Сананинг бошқа сўзалари сақланмаган.

Шу ўринда қизиқ бир «хато» кўзга ташланади. Охириги сўз «мона» қаторга негадир сигмай қолган ва уни алоҳида сопол тахтачага ўйиб, тахтача асосий ёзувнинг устига ўрнатилган.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

ҚАЛДИРҒОЧНИНГ ҚАСОСИ

Хитойнинг Тай Лпай туманидаги Лян Жан Шининг уйда бир жуфт қалдирғоч ашарди. Уларнинг уясида ёш полапонлар тухумдан чиқди. Ота ва она қалдирғоч навбатма-навбат кўрт-кўмурсқа тўтиб келиб, полапонларини асраш учун тиним билмасди. Туйқус она қалдирғоч эшикка урилиб, хушдан кетганича эрга тушди. Деразанинг тағидаги мушук бундан фойдаланиб, уни еб қўйди. Бундан ота кал-

дирғоч кўрди. Бир оз вақт ўтгандан сўнг болаларига бошқа қалдирғоч олиб келди. Угай она қалдирғоч уядаги полапонларни ерга улоқтириб ташлади. Уларнинг ҳаммаси мушукка ем бўлди.

Кўп ўтмай янги қалдирғочнинг ўзи ҳам тухум қўйди. Ота қалдирғоч бурчини бажариб, унга овқат ташиди. Она қалдирғоч эса қимирламасдан тухумларини босиб ётаверди. Ота қалдирғоч яна лой, чўп, утлар билан

уянинг деворини тинмасдан кўтарди. Ярим шарга ўхшатиб уянинг деворига ёпиштирилган уяни битиргач, учиб кетди.

— Ота қалдирғоч шу кетганча қайтиб келмади, — дейди Лян Жан Ши. — Нарвон қўйиб, уянинг бир чеккасини очиб кўрсам, она қалдирғоч хаво ётмаганидан тухумлар устида улиб ётган экан...

Қидирбой ТЎЛАБОВ тайёрлади.

Илҳом лаҳзалари

ХАЛҚИМГА

Халқим, замин узра мағрур қаддинг бор,
Эллар ичра кўкка туташ қаддинг бор,
Етмиш йилнинг дарди чўккан қалбинг бор,
Бағрингда ётларни асрама, улар Қилич тутган билан қалқон бўлмамай.

Эркинга кўз тиккан эрксизлар қанча,
Миллатсиз, савдойи элсизлар қанча,
Кафтдек қабрга зор ерсизлар қанча,
Боғингда ётларни асрама, улар Кетмон тутган билан деҳқон бўлмамай.

Аждодинг оламга маърифат бериб,
Тўрда ўтирдингми кўкрагинг кериб?!
Пойгақдан жой берди ғанимлар келиб...
Бағринга уларни чорлама, улар Босган бу тупроғинг Турон бўлмамай.

Оллоҳ бизга ерни берган омонат,
Шу пок омонатга этмай хиёнат,
Хурлик водийсини айлаб зиёрат,
Бирликни байроқдай тутгин қўлингда,
Сўзлар бирлашмаса девон бўлмамай.

ҲАЁТ ҲАҚИДА

Ҳаёт — эски чорбоғ, бағрига кирсанг,
Ажаб савдоларин кўрсатади хўп.
Унда гоҳ мансабнинг отига минсанг,
Отингни бўйинга осилгувчи кўп.

Ҳаёт — эски дўкон, унинг моллари
Келиб-кетган қанча одамдан қолган.
Яшаган кунларинг — эрр ҳаммоллари,
Жисминдан болалик онларин олган.

Ҳаёт — эски даллол, қил сабру тоқат,
Қадринг арзон ўлчар гоҳ ночор билиб.
Сен парво қилмагин, ортиндан фақат
Яхшилик қолади гулдай очилиб.

Шухрат ТОҲИР.

Ён дафтардан

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Ота-оналар кўпинча, ўз фарзандларини ростгўй қилиб тарбиялаш йўлини қидириб юради. Лекин уларнинг овора бўлиб юришларига ҳеч ҳожат йўқ. Чунки бундай йўл бор, ва у жуда қулай. Бу ота-оналарнинг ўзлари ростгўй бўлишидир. Доноларимиз «Қуш уясида кўрганини қилади», деган хулосага бежиз келишмаган-ку, ахир.

МУҲАББАТ

Онанинг ўз фарзандига бўлган муҳаббатини ҳеч нарсага қийслаб бўлмаслиги бундай муҳаббат ҳақиқатан беқиёс эканлигининг исботидир.

ТОЗА ВА ЛОЙҚА СУВ

Бир тоифа одамлар ариқдаги лойқа сувни атайин тозалаб, тиндириб ичадилар, иккинчи тоифа одамлар эса булоқдаги тоза сувни атайин лойқалатиб ариқларга оқизадилар — экинларини қондириб сўғориш учун.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Дўстлик ришталарини қилга қийслаш мумкин — ўта нозик: сал эҳтиётсизлик қилинса узилади, уни қайтадан тиклаб бўлмайди. Уланган тақдирда ҳам, бағриб, дарз кетади.

ҚАРЗ

«Мен ҳам вақти келганда келин оламан ва у ёқтирадиган қайнона бўламан, — деб юрган келин — бўлажак қайнона ҳозирнинг ўзидаёқ вақт кетмасдан ўз қайнонаси ёқтирадиган келин бўлишга ҳаракат қилмоғи зарур.

СОҒЛИК ВА БОЙЛИК

Инсоннинг ёруғ дунёга келганидан кейин елиб-юғуриб толган барча бойлиги уни яратган Аллоҳ томонидан унга ҳада этилган энг катта бойлик — соғлик олдида ҳеч қанақа қимматга эга эмас.

ҲАЁТ «ТЕГИРМОН»И

Сув тегирмони қизиқ: юмшоқ буғдойни ҳам, қаттиқ буғдойни ҳам бирдай майдалаб, оппоқ унга айлантиради. Аммо сув тўхтаसा айланшидан тўхтади.

Ҳаёт тегирмони эса ундан-да қизиқ: яхши одамни ҳам, ёмон одамни ҳам ўз қомига тортиб қайтадан айлантиради. Одамзот ҳаёт экан, бу тегирмон айланшидан ҳеч тўхтамайди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «Носир-мадад» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 300371726) тугатилди. Даъвоида эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Х. Бойқаро кўчаси, 106-уй.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Миллий тикланиш

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.

E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 22.00

Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма: Г — 123.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Адади 2848

Сотувда эркин нарҳда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй